

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 2 (4)

ISSN-3030-3761



**ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР**

Илмий журнали

**ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ**

Научный журнал

**HISTORICAL RESEARCHES**

Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:

**Сулейманов Рустам Хамидович**  
*тарих фанлари доктори, профессор*  
*Ўзбекистон Миллий университети*

Бош муҳаррир ўринбосори:  
Заместитель главного редактора:  
Deputy Chief editor:

**Шакиров Ильяс Рахимзянович**  
*т.ф.ф.д., (PhD)*  
*Ўзбекистон Миллий университети*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ  
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ  
EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Академик

*Ўзбекистон Миллий университети*

**Муминов Алишер Гаффарович**  
Сиёсий фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Зуев Андрей Сергеевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Новосибирск Давлат университети*

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Холиқулов Ахмад Баймахаматович**  
тарих фанлари доктори, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Габриэльян Софья Ивановна**  
тарих фанлари доктори, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Убайдуллаева Барно Машрабжонова**  
тарих фанлари доктори, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Очилдиев Файзулла Бобокулович**  
тарих фанлари доктори, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Сиддиков Равшан Бердимуратович**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Нарбеков Абдикамил Вафаевич**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Тухтабеков Козимбек Азимбекович**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Бабабеков Акбар Давурбаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Замонов Акбар Тургинович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), профессор  
*Тошкент халқаро Кимё университети*

**Кандахаров Анваржон Хасанович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Холиқулова Шахноза Боймухамматовна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
*Навоий Давлат педагогика институти*

**Нормуродов Дильмурод Рахматуллаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Алиназарова Дилдора Валишеровна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Тоғаев Жасур Эркинович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Усаров Умид Абдумавлянович**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Абдулаева Нигора Санжаровна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
*Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети*

**Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
*Ўзбекистон Миллий университети*

Контакт редакции журнала  
Город Ташкент, улица Мирзо Галиба,  
Исторический факультет Национального  
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека  
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:  
[I.Shakirov91@mail.ru](mailto:I.Shakirov91@mail.ru)  
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal  
Tashkent city, street of Mirzo Golib  
Faculty of history of the National university of  
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek  
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:  
[I.Shakirov91@mail.ru](mailto:I.Shakirov91@mail.ru)  
Phone: +998900382203

# МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENT

|                                                                                                                                                                      |     |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>1. Адилов Аброр Анварович</b><br>СОВЕТ ХОКИМИЯТИНИНГ ИЛК ДАВРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА<br>АМАЛГА ОШИРГАН ДИНИЙ СИЁСАТИДАГИ ВАКФ МАСАЛАСИ                             | 4   |
| <b>2. Abduraxmonova Kamolaxon Ravshanjon qizi</b><br>TIBBIYOT ANTROPOLOGIYASI<br>O'RGANILISH TARIXSHUNOSLIGI                                                         | 20  |
| <b>3. Бахранов Шерзад Таштурсунович., Сирлиев Эркин Назарович</b><br>ИЗ ИСТОРИИ ТАМОЖЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ<br>В РУССКО-СРЕДНЕАЗИАТСКОЙ ТОРГОВЛЕ                         | 34  |
| <b>4. Замонов Акбар Тургинович</b><br>ШАЙБОНИЙ АБДУЛЛАХОН ШАХСИЯТИ ВА УНИ<br>ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ                                                     | 45  |
| <b>5. Qodirova Ra'no Mamirjonovna</b><br>O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING<br>IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINI O'QITILISHI                                  | 60  |
| <b>6. Maxmudova Muazzamxon Sultonmaxmudovna</b><br>TEMURIYLAR SALTANATIDA SUG'ORISH TIZIMI MASALALARINI<br>ROSSIYA IMPERIYASI VA SOVET DAVRI MANBALARIDA YORITILISHI | 70  |
| <b>7. Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич</b><br>XV – XVI АСРНИНГ БОШЛАРИГА ОИД “ЯНГИ САНГАНАК”<br>ХАЗИНАСИДАГИ САМАРҚАНД ТАНГАЛАРИ ХУСУСИДА                          | 79  |
| <b>8. Рахманова Одинахон Равшанбековна</b><br>САММАРСКИЙ ПЕРИОД ВО ВРЕМЕНА ПРАВЛЕНИЕ<br>ХАЛИФОВ АЛЬ-МУТАСИМА И АЛЬ- ВАСИКА                                           | 93  |
| <b>9. Сиддиков Равшан Бердимуратович</b><br>ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ТАРИХИНИ<br>ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ                                             | 101 |
| <b>10. Примов Мухиддин Омонович</b><br>ЎЗБЕКИСТОНДА КАРТОГРАФИЯ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ<br>ОЧИЛИШИ ВА КАРТОГРАФ КАДРЛАР<br>ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР                        | 118 |
| <b>11. Hakimova Shoiri Sag'dullayevna</b><br>O'ZBEKISTON ELEKTROENERGETIKA SANOATIGA<br>XORIJY SARMOYALARNING JALB ETILISHI                                          | 135 |
| <b>12. Hakimova Saida Baxtiyorovna</b><br>O'TOSHKENT BEKLIGI T. BURNASHEV VA M.POSPELOV NIGOHIDA                                                                     | 150 |
| <b>13. Shamsiyeva Maxfuzaxon Xuja qizi</b><br>HAZRATI IMOM MAJMUASIGA TARIXIY SAYYONAT                                                                               | 156 |
| <b>14. Юнусова Хуршида Эркиновна</b><br>ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ҲАЁТИГА СОВЕТ МАФКУРАГА<br>МОСЛАШТИРИЛГАН ЯНГИЧА УРФ ОДАТЛАРНИНГ КИРИБ<br>КЕЛИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР | 162 |

**Замонов А. Т.**

Т.ф.ф.д. (PhD) профессор

Тошкент Кимё халқаро университети

[als\\_zamonov@mail.ru](mailto:als_zamonov@mail.ru)

## **ШАЙБОНИЙ АБДУЛЛАХОН ШАХСИЯТИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ АННОТАЦИЯ**

Мақолада XVI асрнинг иккинчи ярмида фаолият кўрсатган йирик давлат арбоби бўлган шайбоний Абдуллахоннинг шахсияти, унинг тарихини ўрганишнинг илмий-назарий жиҳатлари, тарихшунослиги ва манбашунослиги масалалари таҳлил этилган. Шайбонийлар, хусусан, сулоланинг энг йирик вакилларида бири бўлган Абдуллахон шахсияти, унинг совет ва мустақиллик даврида тадқиқотлардан четда қолиши, унинг шахсиятига қарашдаги мафкуравий таъсирлар масалалари ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** шайбонийлар, Шайбонийхон, манба, тарихшунослик, совет даври, мустақиллик йиллари, шахсият, Абдуллахон, Бухоро хонлиги, Турон, Ўзбекистон, ўрганилиш, давлат, хонлик.

---

**Замонов А. Т.**

Д.ф.и.н. (PhD) профессор

Ташкентскиймеждународный университет Кимё

[als\\_zamonov@mail.ru](mailto:als_zamonov@mail.ru)

## **НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИЗУЧЕНИЯ ЛИЧНОСТИ ШЕЙБАНИДА АБДУЛЛАХАНА АННОТАЦИЯ**

В статье анализируется личность Шейбани Абдулла-хана, крупного государственного деятеля, правившего во второй половине XVI века, научно-теоретические аспекты изучения его истории, историография и источниковедения. Рассмотрена личность Шейбани, в частности Абдулла-хана, одного из крупнейших представителей династии, отсутствие научных исследований по данной теме в советский и период независимости, идеологическое влияния на его личность.

**Ключевые слова:** Шейбаниды, Шейбанихан, источник, историография, советский период, годы независимости, личность, Абдуллахан, Бухарское ханство, Туран, Узбекистан, изучение, государство, ханство.

---

**Zamonov A. T.**

PhD., professor

Kimyo International University in Tashkent

[als\\_zamonov@mail.ru](mailto:als_zamonov@mail.ru)

## SCIENTIFIC AND THEORETICAL FEATURES OF STUDYING THE PERSONALITY OF SHEYBANID ABDULLAHKHAN

### ABSTRACT

The article analyzes the personality of Shaibani Abdullah Khan, a great statesman who worked in the second half of the 16th century, the scientific-theoretical aspects of studying his history, historiography and source studies. The personality of Shaybani, in particular Abdullah Khan, one of the largest representatives of the dynasty, his exclusion from research during the Soviet and independence period, ideological influences on his personality are discussed.

**Key words:** Shaibani, Shaibani Khan, source, historiography, Soviet period, years of independence, personality, Abdullah Khan, Bukhara Khanate, Turan, Uzbekistan, study, state, Khanate.

---

### КИРИШ

Ўзбекистон тарихида етарлича ўрганилмаган, оммага таништирилмаган ва ўзининг муносиб баҳосини олмаган шахслар ҳали бисёр. Шулардан бири йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, бунёдкор ҳукмдор Абдуллахон ибн Искандархондир. Агар Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) ўзбек давлатчилиги тарихида давлат асосчиси, унинг жияни Убайдуллахон (1487-1540) мазкур давлатни асраб қолувчиси ва мустаҳкамловчиси сифатида қирган бўлса, Абдуллахон (1534-1598) сиёсий тарқоқликни тугатиш ва марказлашган давлат бунёдкори бўлиб кирди. Шунингдек, халқаро сиёсатда ҳам Шарқда вужудга келган тўртта йирик давлатдан бири айнан Абдуллахон давридаги Бухоро хонлиги эди. Жалололдин Муҳаммад Акбаршоҳ (1556-1605) даврида Бобурийлар давлати, Шох Таҳмосб (1524-1576) ва Шох Аббос (1587-1627) даврида Эрон сафавийлари давлати, Султон Сулаймон (1520-

1566) даврида Усманийлар давлати қандай қудратга эга бўлса, улар билан рақобатлаша оладиган, ҳудуди жиҳатидан ҳам уларнинг айримларидан каттароқ бўлган Бухоро хонлиги Абдуллахоннинг саъи-ҳаракатлари билан юқори даражага кўтарилган эди.

Шайбоний Абдуллахон ибн исқандархон шахсияти, унинг фаолиятига оид маълумотлар Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда яратилган қуйидаги манбаларда ёритилган: Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг “Абдуллонома” (“Шарафномаи шоҳий”), Муҳаммадёр ибн Араб Муҳаммад Қатағаннинг “Мусаххир ал-билод”, Муҳаммад Толибнинг “Матлаб ут-толибин”, Шарофиддин Роқимийнинг “Тарихи том”, Мутрибий Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний”, Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарлари, шунингдек, Эрон томондан туриб ёзилган Ҳасанбек Румлунинг “Аҳсан ат-таворих”, Искандарбек Муншийнинг “Тарихи оламаройи Аббосий” асарлари шулар жумласидандир[1].

### ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Мустақиллик йилларида шайбонийлар даври нисбатан камроқ ўрганилган даврлардан биридир. Шундай бўлсада, ўзбек тарихчилигида Шайбонийхон ва Абдуллахонларга нисбатан тўла бефарқлик ёки беписандлик ҳукм суряпти десак, хато бўлади. Умумий манзара ўзгармаётгани билан, янгича қарашларни илгари сурадиган тадқиқотчилар етарлича топилади. Совет даврида ва мустақиллик йилларида, шунингдек, хорижда ҳам Абдуллахон шахсига бағишланган махсус асар бўлмасада, у ёки бу тадқиқотлар доирасида маълум фаолияти тадқиқ этилган. Жумладан, совет даврида В.В.Бартольд, П.П.Иванов, А.А.Семёнов, М.А.Салахетдинова, Е.А.Давидович; мустақиллик йилларида Р.Г.Мукминова, Б.Аҳмедов, Ҳ.Ҳ.Тўраев, Г.А.Агзамова, А.Зиё, Г.Султонова, А.Жуманазар; хорижликлардан Мустафо Будак, Ремзи Килич, Гулай Карадағ Чинар, Абдукадир Мажид, Ҳамза Камол [2] каби олимлар ўз илмий тадқиқотларида Абдуллахон фаолиятининг баъзи жиҳатларига эътибор қаратиб ўтганлар.



Кейинги пайтларда Абдуллахон шахсиятини қайта баҳолашга хайрихоҳлар ҳам кўпайиб бормокда. Мисол учун, мазкур матнлар муаллифи 2006 йилдан буён шайбонийлар даври тарихи бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган бўлса, ҳозирда "Абдуллахон даврида Бухоро хонлиги" мавзусида махсус илмий иш тайёрламокда. Шунингдек, Абдуллахон шахсияти масаласи бир-иккита тарихга қизиқувчи ҳаваскор доирасидан чиқиб, расмий медиага, газета-журнал ва сайтларга етиб келгани, баҳсларга сабаб бўлаётгани силжиш борлигидан далолат. Айнан мана шундай баҳсларда янгича қарашлар асосланади ва сайқалланади. Каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида маълум даражада тилга олиб ўтилган.

**Абдуллахон шахси нега парда ортида қолди?** Маълумки, сўнгги бир, бир ярим аср вақт мобайнида XVI-XIX асрлардаги ўзбек хонликлари даври қоқоқ, уларнинг давлат арбоблари эса мазкур қоқоқлик сабабчиси сифатида бир томонлама қаралиб келинди. Тарих фани тадқиқотининг умумий контекстида эса нисбатан қоқоқ даврлар, салбий образ касб этадиган тарихий шахслар аҳамиятли тарих сифатида авлодлар томонидан деярли ўрганилмайди. Шайбонийхон ва унинг Турон ҳудудида ҳукмронлик қилган авлодлари ҳам кўп йиллар мобайнида юқоридаги мезонлар ваъжи билан кам тадқиқ этилди. Шайбонийхон, Убайдуллахон ва сулоланинг энг йирик вакили бўлган Абдуллахонлар бир қарашдаёқ катта ишлар қилгани, улкан тарихий ўзгаришларга сабаб бўлгани кўриниб турган бўлсада, ўзбек тарихчилигида очик қораланди ёки ҳеч бўлмаса унинг фаолиятига нисбатан бефарқлик кузатилди. Аввало, совет даврида шайбонийлар даври ҳукмдорлари парда ортида қолдирилди. Бунга бир қатор сабаблар бор эди, албатта. *Биринчидан*, советларнинг хонлик замонини, уларнинг ҳукмдорларини танқид остига олишдан кўзланган асосий мақсади мавжуд, жорий тузумни идеаллаштириш, Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, “тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги хон замонлари”дан ёруғликка чиқилганини оммага сингдиришдан иборат эди. Шунинг учун тарихий қисса ва романчиликда ҳам бу ёндашув акс этирилди (масалан,

Чўлпон, Абдулла Қодирий, Миркарим Осим, Пиримқул Қодиров ва ҳ.к. асарлари). *Иккинчидан*, совет даври ўзбек тарихчилигидаги ёндашувлар ҳам адабиётдагидан сезиларли фарқ қилмади: шайбонийлар даври сиёсий бошбошдоқлик, босқинчилик юришлари, шу билан бирга, хонларнинг диктатура бошқаруви билан характерланади. Чунки Совет давлати шайбонийлар давридан бошланган ўзига хос давлатчилик – ўзбек хонликлари харобаларида ташкил этилган эди. Шу сабабдан ҳам, ўзбек хонликлари сиймоларини ёритган совет фани ўтмишни холис ёритишга эмас, ғоявий рақибини "тошбўрон" қилишга уринди. Бу хонликлар даврига холис ёндашишга, айрим муҳим воқеалар, ютуқлар ва шахсларни, жумладан, шайбонийлар сулоласи вакиллари тадқиқот доирасига тортишга тўсқинлик қиларди. Бунинг натижасида, ўзбек давлатчилиги тарихида миллий қаҳрамонлар, йирик тарихий шахслар асосан XVI асргача бўлган даврда яшаган, ундан кейин етишиб чиқмагандек хулоса уйғониб қолган эди. *Учинчидан*, совет даври тарихи Чингизхонни ёвуз, қонхўр, босқинчи, даштлик тўпори ва бузғунчи ҳукмдор сифатида талқин қилди. У яратган империя, авлодлари амалга оширган давлатчилик сиёсати салбий бўёқлар билан ёритилди. Табиийки, унинг авлодига мансуб бўлган Абдуллахон ҳам шу соя остида қолди. *Тўртинчидан*, шайбонийлар сулоласи ёки Абдуллахон шахси ҳақида гап кетганда "ўзбек давлати", "ўзбек халқи" ёки "ўзбеклар" каби тушунчалар улар билан параллел қўлланилиши лозим эди. Ягона совет халқини улуғлаш сиёсати совет давлатининг бош мафкураси бўлиб турганда, ўзбек давлати, ўзбек халқининг хусусиятлари, унинг ҳукмдорлари бўлган Шайбонийхон ёки Абдуллахонларнинг муваффақиятли фаолиятига холис баҳо бериб бўлмас эди.

Хўш, Абдуллахон шахси мустақиллик йилларида нега безътибор қолди?! *Биринчидан*, Мустақил Ўзбекистон тарихчилиги ҳамон совет даври моделидан тўла чиқиб кета олмаяпти. Тарихимизга советча тарих мактаби яратган умумий қараш, даврлаштириш ҳали сақлаб қолинган, расмий танлаб олинадиган тарихий шахслар рўйхати деярли ўзгармаган (Амир Темур каби



баъзи шахслар қўшилган), ёндашувлар деярли алмашмаган. *Иккинчидан*, хонликлар даврига, хусусан, шайбонийлар сулоласи вакилларига қайта баҳо беришга, уларнинг тарихини қайта ёзишга ҳаракат қилинмаяпти. Ўзбек миллати, Марказий Осиёнинг бугунги этник, сиёсий ва маданий қиёфаси шаклланишида ҳал қилувчи рол ўйнаган ўзбек хонликлари қолиб, улардан олдинги замонларга кўпроқ урғу берилади, хонликларга келганда эса Темурийлар давлати йўқ қилиниб, бунинг оқибатида қоқоқлик ва тушкунлик бошлангани уқтирилади. Хонликлар даврининг умумий танқиди асносида Шайбонийлар давлати, унинг йирик ҳукмдорларидан бири бўлган Абдуллахон шахси ҳам мана шу “қоқоқлар” доирасига киритиб юборилди. Ваҳоланки, Шайбонийлар даври чегаралари ва сиёсий тузилиши жиҳатидан кейинги асрлардаги хонликлардан фарқ қилади. Шайбонийларни замонасининг қоқоқ ва кучсиз сулоласи деб билиш адолатсизлик бўлади. *Учинчидан*, мустақилликнинг дастлабки йилларида Амир Темур (1996), Мирзо Улуғбек (1994), Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1993) каби темурийларнинг йирик вакиллари юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди. Амир Темур омили давлатнинг бош ғояларидан бирига, миллатни бирлаштирувчи мафкуравий кучга айлантирилди. Темурийлар мероси кенг ўрганилиб, миллий миқёсда тарғиб қилина бошланди. Шундай бир мафкуравий-сиёсий омил халқ рухиятига сингдирилаётган бир паллада, темурийларни Турон тахти саҳнасидан супуриб ташлаган шайбонийлар умумий душман қиёфасида шаклланиб қолди. *Тўртинчидан*, 1998 йил Ўзбекистон Республикасининг илк Президенти Ислам Каримов бир гуруҳ тарихчилар ва бошқа соҳа зиёлилари билан учрашиб, улар олдида ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини холис тадқиқ этиш, ўзбек халқининг келиб чиқишини шайбонийлар билангина боғламаслик, қадимий илдизларини илмий асосда ўрганиш вазифаларини қўйган эди. Натижада, кўпчилик мутахассислар шайбонийлар даври тарихига эҳтиёткор ёндашиб, сулола вакилларининг давлатчилик, илм-фан ва маданият соҳасидаги ислохотчилик сиёсатига муносиб баҳо бера олишмади. Булар эса, сулоланинг энг йирик

вакили бўлган Абдуллахон шахсини оммага кенг таништириш имконини бермади.

**Абдуллахон шахсини ўрганиш зарурияти.** Абдуллахон шахси ўз даврида ва унинг вафотидан кейин ҳам муаррихлар томонидан “соҳибқирон”, “улуғ хоқон”, “Бухоро давлатининг равнақи даври”, “Туроннинг сўнгги буюк ҳукмдори” каби таърифлар билан тавсифланиб келинди. Туркистон минтақаси ижтимоий-сиёсий жиҳатдан таназзулга юз тутган XIX асрда ҳам муаррихлар, жамоат арбоблари Амир Темури ва Абдуллахондек кучли ҳукмдорга эҳтиёж сезиб, ўз асарларида шундай ҳукмдорлар қайта келишига умид боғлади. Жумладан, Аҳмад Дониш (1827-1897) ўз асарида шундай ёзади: “Ҳижрийнинг ҳар юзинчи, мингинчи йилларида давлат ва жамиятни янгиловчи ҳукмдор вужудга келиб туради. Амир Темури Кўрагоний ҳижрий саккизинчи юз йиллик мужаддиди (янгиловчиси) сифатида вужудга келди. Ундан кейин ислом диёрининг ҳар бир гўшасидан мужаддидлар чиқдилар. Масалан, Султон Ҳусайн (Мирзо) тўққизинчи миа (юз, аср) яқинида Ҳиротдан чиқди. Абдуллохон мингинчи йил бошида Бухородан мужаддид бўлиб чиқди” [5]. Бундан кўринадики, адиб Россия империяси истибдоди даврида жамият шундай бир қудратли шахсга эҳтиёж сезганини умид қилиб кутган.

Тарихдан маълумки, юрт таназзулга учраган, бошбошдоқлик авж олган, мамлакат босқинчилар отлари оёқлари остида топталаётган бир пайтда буюк саркарда ва давлат арбоблари етишиб чиқади ҳамда мамлакат ва халқни ягона байроқ остида бирлаштиради (масалан, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темури ва ҳ.к.). Абдуллахон ҳам ўзбек давлатчилиги тарихида ўта зиддиятли даврда, мамлакат бир неча бўлақларга бўлиниб пароканда бўлиб кетган, шайбонийзодалар ўртасида тахт талашлар халқнинг тинқасини қуритган, юрт ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан таназзулга юз тутган даврда етишиб чиқди. У мавжуд сиёсий ва ижтимоий одат ҳамда анъаналарга риоя қилган ҳолда “қилич ва қон” билан парчаланган давлатни бирлаштирди. Бирлашган ва ҳарбий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкам бўлган

давлатда эса кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш имкони пайдо бўлади. Мазкур шароитда Абдуллахон бошқарув тартибларини мустаҳкамлаб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшиловчи ислохотларни амалга ошира бошлади. Илм-фан ва маданият соҳаси вакиллари улуғланиб, улар ислохотларнинг илмий яратувчиларига айланди. Мамлакат бунёдкорлик майдонига айланди ва Абдуллахоннинг ўзи эса тарихда энг кўп иморат қурдирган ҳукмдор сифатида қолди. Ушбу шахс *жасорати* ва матонати билан ўзбек давлатчилигининг босиб ўтган ибратли йўли бугун етишиб чиқаётган ёш авлодга намуна бўлиши долзарблик касб этади.

Бугунги кунда тарих таълими ва тадқиқоти доирасида ўрганиладиган тарихий шахслар рўйхатини чегараламаслик, уларнинг бирини бошқасига қиёслаш орқали ноҳолис хулосалар чиқаришдан сақланиш зарур. Фақат Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темурдан иборат сиёсий арбоблар рўйхати ўтмишнинг бойлигини ва буюклигини кўрсатиш учун камлик қилади. Ўзбек давлатчилиги тарихи жиддийроқ тадқиқотларга муҳтождир.

Тарихий шахсларни бир бирига қиёслаб, ажратиб олиб, энг кучлисинигина эътироф этиб, қолганларига беписанд қараш жамият онгида катта бўшлиқни пайдо қилади. Тилшунос ва элшунос олим Э.Асановнинг фикрича, мана шу қараш билан шайбонийларга Темур салтанатини қулатган, мустаҳкам давлат ярата олмаган, “маънавиятли”, бағрикенг инсон бўлмаган, бизнинг юртга бостириб келган, кўчманчи, демакки, “ёввойи” бўлган деган қараш устувор бўлиб келди. Шунингдек, қиёсий аргумент кўп илгари сурилади: Амир Темур буюкроқ бўлганми, Абдуллахонми? Абдуллахон Темурчалик буюк бўлганми? Бир шахсга баҳо бериш учун уни бошқа шахс билан қиёслаш тўғри хулосалар келтириб чиқармайди: ҳамма бирдай буюк, бирдай кучли бўла олмайди, илло ҳар кимнинг тарихда ўз ўрни бор.

**Амир Темур ва Абдуллахон – муштарак тақдир.** Турон тарихнавислигида марказлашган давлат қурган, зафарли юришларни амалга оширган кўплаб ҳукмдорларга нисбатан “соҳибқирон” сифати қўлланилиб

келинган. Жумладан, муаррихлар кўп ҳолларда Чингизхон, Амир Темур ва Абдуллахонларга нисбатан шу сифатни қўллашган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Амир Темур омили алоҳида ғояга айлангач, соҳибқирон сўзи фақат Амир Темургагина қўлланилган деган тушунча халқимиз онгига сингиб, “Соҳибқирон” дейилганда фақат Амир Темургина тушуниладиган бўлиб қолди. Ваҳоланки, XVI-XIX аср манбаларида Амир Темур билан бир қаторда Абдуллахонга ҳам “соҳибқирон” сифати ишлатилади. Ҳатто, Абдуллахон исми ўрнига синоним сифатида ҳам “соҳибқирон” сўзи қўлланилган.

Маълумки, Турон худудида йирик империя тузиб, марказлашган ва ҳар томонлама мустаҳкам давлат қурган шахслар санокли. Шу масала ҳақида гап кетганда, албатта, Амир Темур мазкур вазифани бажарган йирик давлат арбоби сифатида эсланади. XVI-XIX аср манбаларида, кейинчалик, жадид намояндалари асарларида ҳам Амир Темур ва Абдуллахон бир қаторда таърифланган, улар бир-бирларига қиёсланган. Чунки, Турон худудини ягона марказ атрофида бирлаштирган, бу худудда энг йирик империя тузган маҳаллий давлат арбобларининг илк вакили Амир Темур бўлса, энг сўнггиси Абдуллахон эди. Манбаларда баъзи қудратли давлат арбоблари айрим навбатчи иборалар билан бир-бирларига қиёсланганлар. Масалан, Амир Темур тарихига бағишланган “Зафарнома”лар, Абдуллахонга бағишланган “Абдулланом”, “Мусаххир ал-билод” асарларида ҳар иккала шахснинг давлати мустаҳкамлигини, қонун-қоидалар қатъий ўрнатилганини изоҳлай туриб “агар куппа-кундузи ёппа-ёлғиз бир жон, бир тан қуёшдек олтин табакни бошига қўйиб шарқдан ғарбга қараб йўл юрса, ҳеч кимса унга кўзининг қирини ҳам ташлай олмайди” каби ибораларни келтиришади. Абдуллахон даврига оид манбаларнинг аксариятида (“Абдулланом”, “Мусаххир ал-билод”, “Равзат ар-ризвон”) хоннинг мамлакатларни эгаллаш, элчилар ва ҳокимлар тайинлаш, қўшинни бошқариш билан боғлиқ тадбирлари Амир Темурга қиёсланади. Шунингдек, миллий мустақилликни орзу қилган жадид адиблари (хусусан, Бехбудий, Фитрат) ҳам ўз асарларида

мавжуд истибоддан кутқазадиган Амир Темур ва Абдуллахонлар тарих қаъридан келиб, жамиятни мустамлакачилик зулмидан озод этишини “илоҳий қудратдан ёлвориб” сўраганлар.

### ХУЛОСА

Албатта, бундай қиёслар бежиз эмас. Ҳар иккила давлат арбобининг ҳаёт йўли таҳлил қилинса, кўплаб жабҳалардаги фаолиятида муштаракликлар мавжуд.

*Биринчидан*, ҳар иккисининг ҳам давлатчиликдаги фаолиятида анча ўхшашлик ва яқинликлар мавжуд: Амир Темур ҳам, Абдуллахон ҳам ҳокимиятни ўз отасидан мерос қилиб олмаган ва ўзлари ҳарбий-сиёсий кураш йўли билан давлат тепасига келган. Амир Темур Мовароуннаҳр ҳокимиятини эгаллагач, Чиғатой хонларидан икки нафари – Суюрғатмишхон (1370-1388) ва унинг ўғли Султон Маҳмудхон (1388-1402)ларни бирин кетин “олий ҳукмдор” сифатида тахтга чиқариб, амалда бошқарув жиловини ўз қўлида сақлаган эди. Абдуллахон ҳам 1557 йил Бухоро ҳокимиятини эгаллагач, дастлаб амакиси Пирмуҳаммадхон (1557-1561), кейин отаси Искандархон (1561-1583)ни тахтга чиқариб, амалда давлатни ўзи бошқарган эди.

*Иккинчидан*, ҳар икки шахс сиёсий майдонга келган вақтда мамлакат таназзулга юз тутган, парокандалик авж олиб, бошбошдоқлик кучайиб, кўшни давлатларнинг босқинчилик юришлари, талон-тарожлар кўпайган палла эди. Улар (Амир Темур ва Абдуллахон) бу курашда енгиб чиқиб (1370, 1557), қисқа давр ичида марказлашган давлат бунёд эта олдилар. Шунингдек, ҳар иккисининг вафотидан кейин (1405, 1598) улар тузган йирик империя ўзаро тож-у тахт талашлар натижаси парчалана бошлади.

*Учинчидан*, Амир Темурнинг уч шайхга нисбатан ихлоси жуда баланд эди. Булар Шамсиддин Кулол, Саййид Барака ва Зайниддин Тайободийлардир. 1) Шамсиддин Кулол (вафоти 1370, Кеш) Амир Темурнинг отаси Амир Тарағай (вафоти 1360)нинг пири эди. У Темурнинг ўзига илк бор унинг порлоқ келажаги ҳақидаги башоратни ҳам айтган эди. 2)

Мир Саййид Барака (вафоти 1404) билан Амир Темур илк бор 1370 йил Термиз яқинида учрашган. Мир Саййид Барака биринчи учрашувдаёқ Амир Темурга салтанат тимсоли, зафар ва ғалабалар рамзи бўлган ноғора ва байрок тухфа қилган эди. 3) Зайниддин Тайободий хуросонлик йирик шайх ва шайх ул-ислом бўлган. Темур ўзининг Хуросонга қилинган юришларидан бири чоғида (1381) шайх билан учрашган ва унга ўз эхтиромини изҳор этиб, шу вақтдан пир сифатида улуғлай бошлаган.

Абдуллахон ҳам ўз фаолиятида уч дин уламосига ихлос қилиб, доимо уларнинг маънавий қўллаб-қувватлови билан мамлакатни мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. 1) Хожа Исом Жўйборий (1493-1563)га дастлаб Искандархон, кейин эса унинг ўғли Абдуллахон мурид тутинган. 1557 йил Абдуллахон томонидан Бухоронинг узил-кесил эгалланиши ҳам шу уламонинг кўмагида амалга ошган эди. 2) Хожа Исом вафот этгач, Абдуллахон унинг ўғли Хожа Саъд Жўйборийни давлатнинг шайх ул-исломи даражасига кўтариб, хожа вафот этгунга қадар (1589) унинг маънавий таъсирида бўлган. 3) Абдуллахон карманалик Қосим Шайх Азизон (ваф. 1581)га ҳам қаттиқ ихлос қилган ва шайх хоннинг қўшни давлатлар (Хоразм, Қозоқ хонлиги) билан содир бўлган кўпгина сиёсий низоларини дипломатик йўл билан бартараф этилишида фаол қатнашган. Шунингдек, ҳукмдорлар давлат ва жамият бошқарувида доимо бу уламоларнинг мададига таянган.

*Тўртинчидан*, ҳар икки ҳукмдордан ҳам битта манзилда, деярли бир хил мазмундаги ёдгорлик сақланиб қолган. Тўғрироғи, бу масалада Абдуллахон Амир Темурга тақлид қилган. Ҳозирги Қозоғистон Республикасидаги Улуғтоғ дарасида (Жезқазғандан 100 км шимолда, Сарису дарёси шимолида жойлашган тоғ) иккала ҳукмдорнинг тошга ўйиб ёздирган "зафарнома"си топилган (Россиянинг Эрмитаж музейида сақланади). 1391 йил Амир Темур Тўхтамишхонга қарши юриши чоғида Улуғтоғга етиб келиб, бир кун ичида унинг тепасига туғ ўрнатиб, қароргоҳ қурдирган ва қўшинга атрофдан тош тўплаб келтиришни ҳамда минорасимон иншоот қуришни буюрган. Тоштарошлар харсанг тошга 2 тилда – араб ва қадимги уйғур тилида битик



ёзганлар. Битик 11 сатрдан иборат бўлиб, 8 сатри қадимги уйғур ва 3 сатри араб ҳарфидадир. Туркий ёзувда нақш қилинган хотиранинг матни қуйидагича: «Тарих етти юз тўқсон учинда, қўй йили ёз (қўқлам) ойи ораси Туроннинг султони Темурбек уч юз минг черик билан ислом учун Булғор хони Тўхтамишхонга қарши юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсин деб бу тепани курди. Тангри нусрат бергай, иншааллоҳ. Тангри эл кишига раҳмат қилгай, бизни дуо била ёд қилгай» [4].

Орадан 200 йил ўтгач, Дашти Қипчоққа, Бобо султонга қарши юриш қилган Абдуллахон ҳам ўтмишдошидан ўрнат олиб, Амир Темур қурдирган минора қаршисида, Улуғтоғ сафаридан ёдгорлик сифатида масжид қурдирган. Бу ҳақда Ҳофиз Таниш Бухорий шундай ёзади: «Ўша куни (1582 йил 3 май) намози пешингача тўхтаб лашкарга буюрдики, «Кўп тош тўпласинлар». Буйруқни бажариб тўпланган тошдан олийшаън у маконда бир масжид бино қилдилар. Шу билан рўзгор саҳифаларида у баландқадр шохдан бир ёдгорлик қолдирдилар. Шундай ишни фирдавсмакон, дину дунё кутби шахриёр Амир Темур Кўрагон... ҳам қилган эди».

*Бешинчидан*, маълумки, Амир Темур ўз фаолияти даврида нафақат Мовароуннаҳрда, балки давлат таркибига кирган Хуросон, Эрон, Яқин Шарқ ва Кавказ ҳудудларида ҳам кўплаб иншоотлар қурдирган. Айниқса, Мовароуннаҳр марказий шаҳарлари – Самарқанд ва Кеш кенг бунёдкорлик майдонига айланган, Шарқнинг кўплаб уста-бинокорлари масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара, минора каби иншоотлар қурилишида иштирок этган. Абдуллахон даврида ҳам Мовароуннаҳрда юзлаб иншоотлар қурилдики, уларнинг баландлиги ва ҳашаматидаги улуғворлик Амир Темур иншоотларига етмасада, миқдор жиҳатидан бутун темурийлар қурдирган иморатлар сонидан кўп эди. Шу жиҳатдан ҳам, уларнинг меъморчиликка қўшган ҳиссасини баҳолаган академик В. В. Бартольд ҳақли равишда Амир Темурни “Ўрта Осиёнинг биринчи бунёдкори” деган бўлса, Абдуллахонни “Ўрта Осиёнинг иккинчи бунёдкори” деб таърифлайди [3].

**ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES**

1. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом / Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси. Илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. – Т.: Шарқ, 1-китоб, 1999; 2-китоб, 2000; Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. – Т.: Шарқ, 2009; Муҳаммад Толиб. Матлабут-толибин / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ғ.Каримий ва Э.Миркомиллов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2016; Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. / Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи И.Бекжонов. Т.: Muntoz so‘z, 2013; Шарофиддин Роқимий. Тарихи томм. / Форс тилидан таржима Н.Норкулов ва Ҳ.Бобобековлар томонидан амалга оширилган. – Т.: Маънавият, 1998; Муҳаммад Юсуф Мунши. Тарих-и Муқим-хони (Муқимханская история) / Перевод с таджикского, предисловие, примечание и указатели проф. АА.Семенова. - Т, 1956; Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. Т.: Чўлпон, 1990; Нәсәнбәу Rumlu. Əhsənüt-təvarix (Hicri 807-985 / Miladi 1404-1578-ci illərin hadisələri haqqında tarixi salnamə). Fars dilindən tərcümə və şərhlər: AMEA-nın müxbir üzvü, tarix elmləri doktoru, professor Oqtay Əfəndiyev, tarix üzrə fəlsəfə doktoru, dosent Namiq Musalı. Kastamonu, 2017; Искандарбек Мунший Туркман. Тарихи оламаройи Аббосий. / Форс тилидан озарбайжон тилига таржима, кириш, изоҳлар муаллифи Оқтай Эфендиев, Намиқ Мусали. Баку, 2009.

2. Бартольд. В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. в 9 томах. Т. I. – М.: Восточной литературы, 1963; Бартольд. В. В. История культурной жизни Туркестана / Соч. в 9 томах. – Т. II. Ч.1.– М.: Восточной литературы, 1963; Давидович Е.А. Корпус золотых и серебряных монет Шейбанидов. XVI век. — М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1992; Иванов П. П. Хозяйство Джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI—XVII в., М.—Л., Изд-во АН СССР, 1954; Семёнов А. А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени // Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. – Вып. II. –

Сталинабад, 1954; Салахетдинова М. А. Неизвестный документ, составленный в связи с походом шейбанида Абдулла-хана II на Герат в 1578 г. // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. XXII годичная научная сессия ЛО ИВ АН СССР (доклады и сообщения). 1988 г. Часть 1. М.: Наука, ГРВЛ, 1989; Салахетдинова М. А. Некоторые данные источников о борьбе Абдулла-хана II за власть в Бухаре // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. XXIII годичная научная сессия ЛО ИВ АН СССР (автоаннотации и краткие сообщения). М.: ГРВЛ, 1974. Ахмедов Б. Ўзбек улуси. – Т.: “Нур”, 1992. – 26-125-бетлар; Шу муаллиф. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994; А.Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т: Шарқ, 2001; Ҳ.Тўраев. Бухоро хонлигининг XVI-XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни. Тарих фанлар докт., дис-я автореферати. Т., 2007; Г.Султонова XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёрқент хонликлари билан алоқалари: Тарих фан. номзоди. диссертацияси. – Т., 2005; Замонов А. Т. Бухоро хонлигида қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқарув. Тарих фанлари фалсафа докт (PhD)., диссертацияси ва монографияси. – Т., 2018; Г.Агзамова. “XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти”. Тарих фан. докт., диссертацияси. – Т., 2000; Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. (Давлат арбоблари ҳақида тарихий лавҳалар.) – Самарқанд, 1996, 2008; Хосейниширази С. С. Военно-политические отношения Мавераннахра и Ирана в XVI в. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Душанбе, 2014; Budak M. Osmanli-Ozbek siyasi münasebetlerinin başlaması // Avrasya Etudleri. – Ankara, 1996. – № 4.; Remzî Kılıç. Osmanlı siyasi ilişkileri (1530-1555) // Tarih konunları. – №2. – Ankara, 2001; Abdulkadir Macit. Şeybânî hanlığı (1500-1599). İstanbul, 2015.

3. Бартольд. В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. в 9 томах. Т. I. – М.: Восточной литературы, 1963.

4. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. / Сўзбоши, табдил, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. Т.: Янги аср авлоди, 2023. – 505-506 б.

5. Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд манғитлари хонадони салтанатининг қисқача тарихи. / Таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қиёмиддин Йўлдошев. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН, 2014. – 17 б.